

644 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти-ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2745*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси ва Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

4. Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси, Иқтисодий қонунчилик бошқармаси, Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси, Қонун ҳужжатларини турқумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси Ахборот хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармалари билан бирга:

бир ойлик муддатда тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари вакиллари иштирокида семинар ташкил этсин;

адлия органларининг коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларнинг оммавий ахборот воситаларида тизимли равишда ёритиб борилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари А. Усманов зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 25 декабрь,
384-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги
384-мх-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг
коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш
УСЛУБИЁТИ**

Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 22-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазмунида ҳуқуқни қўллаш жараёнида коррупцион кўринишларга олиб келиши мумкин бўлган коррупциявий омилларни аниқлаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларининг, шунинг-

дек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг (бундан буён матнда лойиҳалар деб юритилади) коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услугубиётда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат — «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат;

ҳуқуқий экспертиза — лойиҳаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, уларга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишни амалга ошириш;

коррупциявий омиллар — ҳуқуқни қўлловчиларга асосиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асосиз қўллаш имкониятини белгиловчи, жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни, шунингдек ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқларни ўз ичига олган лойиҳаларнинг нормалари;

адлия органлари — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

2. Коррупцияга қарши экспертиза ҳуқуқий экспертиза доирасида ўтказилади.

3. Қуйидагилар коррупцияга қарши экспертизанинг вазифалари ҳисобланади:

лойиҳаларда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этишга имконият яратувчи коррупциявий омилларни аниқлаш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этиш мумкинлигига доир қисми бўйича лойиҳани қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупцион тусдаги хавфларнинг вужудга келиши имкониятларини прогнозлаштириш;

лойиҳаларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш ва чораларни кўриш.

4. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

қонунийлик — лойиҳалар нормаларининг мазмуни юқорироқ юридик кучдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги;

ҳуқуқни қўллашлилик — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини қарама-қарши шарҳлаш ва қўллашни келтириб чиқариши мумкин бўлган нормаларни чиқариб ташлаш;

нормаларнинг шаффофлиги ва барқарорлиги — лойиҳанинг матнини лўнда, оддий ва равон тилда баён этиш. Лойиҳада фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Оғзаки нутқ шакллари, хорижий тилларнинг атамалари, давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда, эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, кинояларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди;

холислик — коррупцияга қарши экспертизани холис ва беғараз, қатъий қонуний, назарий ва амалий асосда, тегишли мутахассислик доирасида, ҳар тарафлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказиш;

мустақиллик — коррупцияга қарши экспертизани мустақил шахс томонидан ўтказиш. Манфаатдор шахслар фойдасига хулоса олиш мақсадида коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи шахсга таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

2-боб. Лойиҳаларнинг коррупциявий омилларга эга бўлган нормалари

5. Қўйидагилар ҳуқуқни қўлловчиларга асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз қўллаш имкониятини белгиловчи коррупциявий омиллар ҳисобланади:

а) асосан қўйидагилардан иборат бўлган дискрецион ваколатларнинг кенглиги (мазмунидан чегараларини аниқлашнинг имкони мавжуд бўлмаган ваколатлар):

муддатларнинг мавжуд эмаслиги ёки ноаниқлиги ва асослаб берилмаган сабабларсиз белгиланган муддатни чўзиш ёки қисқартириш имкониятини назарда тутиш;

қарорларни қабул қилишнинг шароитлари ва асосларининг мавжуд эмаслиги, шунингдек давлат органлари ва бошқа органларга ёки уларнинг ходимларига (бундан буён матнда органлар деб юритилади) ўз ихтиёрига кўра қарорлар чиқариш, бир нечта турдаги қарорларни қабул қилиш ва уларни ижро этишнинг усулларини белгилаш имкониятини бериш;

органларга ўз ихтиёрига кўра юридик фактни баҳолашга ҳамда жисмоний ва юридик шахслар томонидан тегишли ҳаракатларни амалга оширишнинг тартибини мустақил равишда белгилашга йўл қўйиш;

органга ўз ихтиёрига кўра тегишли асоссиз жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишини, уларни ўзгартиришни ёки бекор қилишни ташаббус қилиш имкониятини бериш;

органларнинг такрорловчи ваколатларининг мавжудлиги;

б) ҳуқуқни қўлловчилар томонидан ҳар хил ва аниқ бўлмаган талқин қилишга имконият яратадиган нормаларнинг мавжудлиги;

в) органлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан ҳара-

катларни амалга оширишни диспозитив белгилашда ифодаланган ваколатни асоссиз белгиланиши;

г) ҳуқуқлар ҳажмини танлаб ўзгартиришнинг имконияти мавжудлиги, яъни органларнинг ихтиёрига кўра жисмоний ва юридик шахслар учун умумий тартибдан чиқувчи истисноларни асоссиз белгиланиши;

д) бошқа органнинг ваколатига тегишли бўлган қонуности ҳужжатларнинг қабул қилинишига олиб келадиган бланкет ва ҳавола қилувчи нормаларнинг мавжудлиги билан тавсифланган, қонуности норма ижодкорлигининг ниҳоятда эркинлиги;

е) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга бўлмаган органлар томонидан қабул қилиниши;

ж) органларга уларнинг ваколатига тегишли бўлмаган ваколатларнинг тақдим қилиниши;

з) қонун ости ҳужжатлар лойиҳаларида қонун ҳужжатларига кўра қонун билан тартибга солиниши лозим бўлган нормаларнинг белгиланиши;

и) тегишли ҳуқуқ ва ваколатларни тақдим қилишнинг танлов тартибидан воз кечиб, уларни танловдан ташқари тақдим қилиш тартибининг мустақамланиши;

к) лойиҳалар нормаларининг юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўрсатмаларига номувофиклиги.

6. Қуйидагилар жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни ўз ичига олган коррупциявий омиллар ҳисобланади:

а) асосан қуйидагилардан иборат бўлган, ҳуқуқни қўлловчига тегишли бўлган ҳуқуқни амалга ошириш учун унга юклатиладиган оширилган талабларнинг мавжудлиги:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга қаратилган ва (ёки) юклатилиши қонун ҳужжатлари нормалари билан асослантилмаган талабларнинг ўрнатилиши;

бажариш учун эҳтиёж бўлмаган мажбуриятларнинг жисмоний ва юридик шахсларга юклатилиши;

жисмоний ва юридик шахсларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатлар, ахборотни тақдим қилиш мажбуриятининг юклатилиши;

эга бўлаётган ҳуқуққа мувофик бўлмаган аломатларга (касбий, мулкӣ, ижтимоӣ) мувофик бўлиш мажбуриятларининг мавжудлиги;

б) жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ҳуқуқларни амалга оширишнинг қатъӣ тартибга солинишининг мавжуд эмаслиги;

в) барқарор бўлмаган, икки маъноли тушунчалардан фойдаланиш ёки қўлланилаётган атамаларнинг тушунчаси, илмӣ асослантилрилиши ва ишончлигининг мавжуд эмаслиги;

г) ҳуқуқий муносабатларнинг бир гуруҳ субъектларига нисбатан бошқаларни тенг бўлмаган, камситувчи аҳволга солувчи афзалликларнинг белгиланиши.

7. Қуйидагилар ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар ҳисобланади:

а) маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги, яъни органлар томонидан тегишли ҳаракатларни бажариш тартибининг мавжуд эмаслиги, жумладан:

қарорларни қабул қилувчи ва қонун ҳужжатлари талабларини бажарувчи органнинг мавжуд эмаслиги;

органнинг ҳаракатлари ва ваколатларининг тартибга солинмаганлиги;

ваколатларни бажариш процессуал тартибининг белгиланмаганлиги;

органлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни бажариш учун асосларнинг мавжуд эмаслиги ёки ноаниқлиги;

қабул қилинаётган қарорни асослаб бериш мажбуриятининг мавжуд эмаслиги;

амалга оширилишининг аниқ механизмига эга бўлмаган нормаларнинг мавжудлиги;

б) органларнинг жавобгарлиги, шунингдек уларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги нормаларнинг мавжуд эмаслиги;

в) органларнинг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турларига кўрсатманинг мавжуд эмаслиги;

г) органларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳамда улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровлари юзасидан маълумотларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотни (қонун билан қўриқланадиган сирни ташкил этувчи ахборотлар бундан мустасно) ошкор этишни назарда тутувчи нормаларнинг мавжуд эмаслиги;

д) тегишли ҳаракатларни бажариш учун масъул бўлган органни лойиҳанинг мазмунидан белгилашнинг имконияти мавжуд эмаслиги;

е) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда қолдириш;

ж) ҳуқуқни қўлловчиларда ҳуқуқлар мавжуд бўлганда мажбуриятларнинг мавжуд эмаслиги ёхуд ҳуқуқлар мавжуд бўлмаганда мажбуриятларнинг мавжудлиги;

з) тегишли ваколатлар мавжуд бўлмаганда, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларнинг қонун ости ҳужжатлари ёрдамида тўлдирилиши.

3-боб. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётганда қўлланиладиган ахборот. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи адлия органи ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётганда ҳам расмий ҳам но-расмий ахборотдан фойдаланилади.

9. Расмий ахборотга қуйидагилар киради:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

ҳалқаро шартномалар;

расмий эълон қилишлар, жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғининг расмий ресурслари;

статистик маълумот ва ҳисоботлар;

суд амалиёти.

10. Норасмий ахборотга қуйидагилар киради:

оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;

илмий нашрлар;

Интернет жаҳон ахборот тармоғининг норасмий ресурслари.

11. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиётган адлия органи ходимининг асосий ҳуқуқлари:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётган лойиҳаларнинг предметига тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан танишиш;

коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш;

коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётган лойиҳаларнинг нормаларини аниқлаштириш ва улар бўйича тегишли тушунтиришларни олиш.

12. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи адлия органи ходимининг асосий мажбуриятлари:

коррупцияга қарши экспертизани ташкиллаштириш ва ўтказишнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларига риоя қилиш;

ўзини ўзи рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда ўзининг раҳбарига дарҳол маълум қилиш;

коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслик;

тақдим этилган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаш.

4-боб. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

13. Коррупцияга қарши экспертиза адлия органлари томонидан ўтказилади.

Коррупцияга қарши экспертиза ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи, шунингдек лойиҳалар келишилиши лозим бўлган органларнинг юридик хизмати томонидан ўтказилиши мумкин.

14. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётганда лойиҳанинг ҳар бир нормаси ёки қонуннинг, шунингдек лойиҳа қонунларининг бу соҳадаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги даражасининг таҳлили амалга оширилади.

15. Лойиҳада коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, адлия органининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаси ҳуқуқий экспертиза ўтказилиши натижалари бўйича тайёрланадиган хулосада акс эттирилади.

16. Хулосада коррупцияга қарши экспертизани ўтказишда аниқланган коррупциявий омиллар, улар аниқланган лойиҳанинг таркибий қисмларини ёритган ҳолда, кўрсатиб ўтилиши лозим.

17. Ўтказилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича мулоҳаза ва таклифлар тавсиявий тусга эга, бундан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мустасно.

18. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни ўз ичига олган нормалар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уларни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказишни рад этади.

5-боб. Яқуний қоидалар

19. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро шартномалари ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси мазкур Услубиётга мувофиқ ўтказилади.

20. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 10-бандига мувофиқ давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига тегишли тақдимномалар киритилиши мумкин.

21. Мазкур Услубиёт талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.